

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҚАРОРИ

### **Бухоро вилоятида 2014 йилга мўлжалланган молиявий соғломлаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 октябрдаги “2013 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини бажарилишини сўзсиз таъминлаш тўғрисидаги чора-тадбирлари”га бағишлиланган йиғилишида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳамда бўш турган бино-иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар, фойдаланилмаётган ер майдонлари негизида янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Бухоро вилоят ҳокимининг 2013 йил 27 ноябрдаги 216-ф-сонли фармойиши билан тузилган вилоят ишчи гурӯҳи томонидан вилоятдаги бўш турган бино-иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар, фойдаланилмаётган ер майдонларини хатловдан ўтказиш ишлари якунланганлиги ҳамда уларнинг негизида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро вилоятида бўш турган бино-иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар ҳамда фойдаланилмаётган ер майдонлари негизида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича 2014 йилга мўлжалланган молиявий соғломлаштириш дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси “Бухоро вилоят давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда 2-иловада кўрсатилган давлат мулки бўлган бўш турган бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш бўйича белгиланган тартибда ишларни амалга оширсин.

4. Туман ва шаҳарлар ҳокимликларига;

тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида ажратилган ер участкаларида 2 йилдан ортиқ муддатда қурилиш ишларини якунламаган 3-иловада кўрсатилган ер участкалари бўйича тадбиркорлик субъектларига уларнинг муаммоларини ўрганиб ишга тушириш чораларини кўриш;

хатлов жараёнида ишчи гурухлари томонидан 4-иловага мувофиқ аниқланган бўш турган ва фойдаланилмаётган ортиқча ер майдонларини маҳаллий ҳокимият захирасига ўтказиш таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, 1 ой муддатда тегишли ишларни амалга ошириш;

тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва сервис хизматларини ташкил этиш учун ажратилган ер участкаларида 2 йилдан ортиқ муддатда қурилиш ишлари амалга оширилмаган 5-иловадаги ер участкалари бўйича амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда 1 ой муддатда чора-тадбирларни амалга ошириш;

дастурдаги прогноз кўрсаткичларини лойиҳа ташаббускорлари, тегишли ташкилотлар ва тижорат банклари иштирокида бажарилиши бўйича ҳар ойда камида бир марта муҳокама қилиб бориш;

лоийҳаларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган вилоят ва республика миқёсидаги муаммоларни вилоят ҳокимлигига киритиб бориш;

ишга тушган лойиҳалар бўйича белгиланган тартибда далолатномаларни расмийлаштириш;

дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш ва амалга оширилган ишлар натижалари бўйича ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 3-санасига қадар вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси ҳамда вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига 6-иловага мувофиқ маълумот тақдим қилиб бориш топширилсин.

5. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Б.Атамуродов) ва вилоятдаги барча тижорат банкларига дастурга киритилган лойиҳалар бўйича белгиланган муддатларда банк кредитларини ажратиш тавсия қилинсин ва мақсадли ишлатилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориб, натижаси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 3-санасига қадар вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига тақдим этиб борилсин.

6. Вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси (Н.Собиров) дастурда белгиланган лойиҳалар ижроси бўйича тақдим этилган ҳужжатларга асосан мониторинглар юритсин ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида вужудга

келадиган муаммолар бўйича вилоят ҳокимлигига мунтазам равищда ахборот берабор борсин.

7. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Фойиров ва Ф.Атаевлар зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими в.б.**

**М.Эсанов**